

“InFinBANK”

МОБИЛ ИЛОВАСИДАН
фойдаланиш учун қўлланма

Мундарижа

1. Ускуна ва дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар	3
2. Мобил иловани ўрнатиш, янгилаш ва ўчириш	3
3. Мобил иловага кириш ва идентификациядан ўтиш	4
4. Асосий саҳифа	8
5. Омонат очиш	12
6. Карта буюртма қилиш	13
7. Кредит карта расмийлаштириш	17
8. Ўтказмалар	25
8.2 Ҳамёнлар	26
8.3 Ҳисобрақам	26
8.4 Реквизитлар	27
8.5 VISA Direct	27
8.6 QR код	28
8.7 Кредит	28
9. Тўловлар	29
10. Тарих	31
11. Квитанция	32
12. Профиль	33

1. Ускуна ва дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар


Android — версия 5 ва ундан юқори

iOS – версия 11 ва ундан юқори

Сенсор экран


2. Мобил иловани ўрнатиш, янгилаш ва ўчириш

Мобил иловани ўрнатиш Android учун Google Play, iOS тизими учун AppStore иловалар дўконидан амалга оширилади.




2.1 Мобил иловани янгилаш иловалар дўкони орқали амалга оширилади.

2.2 Мобил иловани бутунлай ўчириш учун телефонда мобил илова устига босилиб “Ўчириш” тугмаси босилади.



3. Мобил иловага кириш ва идентификациядан ўтиш.


Мижоз мобил иловага киргандан сўнг, ушбу экран намоён бўлади. Мижоз ўзи учун қулай бўлган тилни танлаб, “Давом этиш” тугмасини босади.



3.1. InFinBANK Мобил иловасига мижозлар пластик карта рақами, паспорт ёки ИД картаси орқали кириши мумкин. Агар InFinBANK мижози бўлмаса, у ҳолда “Банк мижози бўлиш” тугмасини босиб, паспорт ёки ИД карта маълумотларини киритган ҳолда мижозга айланиши мумкин. Ушбу экранда “Манзиллар” ва “Ёрдам” бўлими мавжуд.



3.2 “Манзиллар” бўлимида филиаллар ва банкоматлар манзиллари бўйича маълумотни кўриш мумкин. “Ёрдам” бўлимида Алоқа маркази телефон рақами, техник ёрдам билан боғланиш, оферта билан танишиш ҳамда банкнинг расмий ижтимоий тармоқларига уланиш имконияти мавжуд.



3.3 Оферта тугмаси босилганда “InFinBANK” акциядорлик тижорат банкининг жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини тақдим этиш тўғрисидаги оммавий оферта билан танишиш мумкин.

Тошкент ш.
«INFINBANK» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
БАНКИНИНГ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА
МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ
ТАҚДИМ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ОММАВИЙ
ОФЕРТАСИ.

Мазкур Оммавий оферта “InFinBank” АТБ томонидан жисмоний шахсларга масофавий банк хизматларини тақдим этиш тўғрисидаги Шартнома (матнда кейинги ўринларда – Шартнома) шартларини ўз ичига олади. Ушбу Оммавий офертада кўрсатилган ҳаракатларни бажариш, Мижознинг ушбу Оммавий офертада баён этилган шартларда, тартибда ва ҳажмда Шартнома тузишга розилик билдирганининг тасдиғи ҳисобланади. Оммавий офертанинг қуйида баён этилган матни “InFinBank” АТБ мобил иловасида рўйхатдан ўтган барча жисмоний шахсларга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 369-моддасига мувофиқ Шартнома тузиш бўйича расмий Оммавий таклиф ҳисобланади.

Жисмоний шахс томонидан ушбу Оммавий офертада назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилган пайтдан бошлаб, мазкур Оммавий оферта қўшилиш шартлари бўйича ҳеч қандай истиснолар ва чекловларсиз Шартнома тузилган ҳисобланади ва кучга киради.

ёпиш


3.4 Мобил иловага хужжат орқали киришда паспорт ёки ID карта серия рақами ҳамда фойдаланувчининг туғилган санаси маълумотлари киритилади. Сўнг Face ID орқали биометрик идентификациядан ўтиши лозим.




3.5 Мобил иловага карта орқали киришда мижоз InFinBANKка тегишли пластик карта рақами ва амал қилиш муддатини ёзиб кириш тугмасини босиш орқали кириши мумкин. Face ID орқали биометрик идентификациядан ўтиши лозим.



3.6 “Банк мижози бўлиш” тугмасини босиш орқали янги мижозлар масофадан туриб идентификациядан ўтиш орқали банк мижози бўлиши мумкин. Бунинг учун мижоз экранда кўрсатиб ўтилган тўртта босқичдан ўтиши лозим. Яъни, мижоз шахсни тасдиқловчи ҳужжат маълумотларини киритиши, ҳужжатнинг фотосуратини илова қилиши, Face ID орқали биометрик идентификациядан ўтиши лозим.




3.7 Мобил иловадан доимий хавфсиз фойдаланиш учун Пин код ўрнатиш лозим.




4. Асосий саҳифа.


Мобил илованинг асосий саҳифасида карталар, омонатлар, кредитлар, ҳамёнлар, ҳисобрақамлар, валюта курслари, яқин банкоматлар бўлиmlари мавжуд. Юқори қисмда қуйидаги бўлиmlар мавжуд: Visa Direct пул ўтказмалари, Кредит карта расмийлаштириш, Дебет карта расмийлаштириш. Пастки қисм орқали ўтказмалар, тўловлар ва умумий амалиётлар бўйича тарихини кўриш мумкин.




4.1 Карталар бўлимида мижознинг барча ўзига тегишли бўлган дебет ва кредит карталари намоён бўлади.




4.2 “Омонатлар” бўлимида мижоз томонидан очилган омонатлар акс этади. Ушбу бўлимда “омонат очиш” тугмаси босилганда барча турдаги (миллий ва хорижий валютада) омонатларни очиш имконияти пайдо бўлади.




4.3 “Кредитлар” бўлимида мижознинг Инфинбанкдан олинган кредитлари бўйича маълумот акс этади.



4.4 “Ҳамёнлар” бўлимида мижозга тегишли “Сўмда”, “Валютада”, “Кешбек”электрон ҳамёнлар акс этади.




4.5 “Ҳисобрақамлар” бўлимида мижознинг номига очилган Инфинбанкка тегишли ҳисобрақамлари (валюталари кўрсатилган ҳолда) акс этади.



4.6 “Валюта курслари” бўлимида мобил илова ва айирбошлаш шахобчасидаги валюта курслари билан танишиш мумкин. Кўк рангдаги Айирбошлаш тугмасини босиш орқали айирбошлаш амалиётини бажариш имконияти мавжуд.




4.7 “Яқин банкоматлар” бўлимида банкоматлар бўйича маълумотни кўриш мумкин. Бунда банкоматнинг ишлаш тартиби, манзили, геолокацияларини кўриш имконияти мавжуд.



5. Омонат очиш

Омонат очиш бўлимида мижоз ўзига керакли омонат турини қайси манба орқали маблағ киритишни танлаб омонат миқдорини киритиши мумкин. Бундан ташқари фоизлар тўлов жадвали билан ҳам танишиши мумкин.




5.1 Омонат шартлари бўлимида мижоз омонатнинг шартлари бўйича маълумотларни кўриши мумкин яъни омонат муддати, минимал миқдори, фоиз ставкаси, фоизларни тўлаш даври ва бошқа.



6. Карта буюртма қилиш.


Мижоз карталар бўлими орқали “Карта расмийлаштириш” қисмига ўтади ва ўзига керакли бўлган картани танлайди .




6.1 Сўнг танланган карта бўйича маълумотлар намоён бўлади, яъни, картани чиқариш учун тўлов миқдори, картага хизмат кўрсатиш миқдори, харидлар амалга оширилганда тўлов миқдори, картанинг амал қилиш муддати. Мижоз ушбу маълумотлар билан танишиб экран пастки қисмида “карта расмийлаштириш” тугмасини босади.




6.2 “Карта расмийлаштириш” тугмаси босилгандан сўнг, алоқа маълумотларини тўлдириш лозим. Мижознинг телефон рақами автоматик равишда намоён бўлади ва мижоз код сўзини киритиш лозим. Шундан сўнг “кейингиси” тугмаси босилади.




6.3 Шундан сўнг, “Олиб кетиш” экранига ўтилади. Бу ерда мижоз картани банкнинг қайси филиалидан олиб кетишни белгилайди. Филиални танланг ёзувига босилади.




6.4 Филиални танланг ёзувига босилганда манзиллар бўлими очилади ва манзиллар харита кўринишида намоён бўлади. Мижоз ўзига қулай бўлиши учун “Рўйхат бўйича” тугмасини босганда, манзиллар рўйхат кўринишида намоён бўлади.




6.5 Мижоз ўзига қулай бўлган филиал манзилини танлайди ва “тасдиқлаш” тугмасини босади.



6.6 “Тасдиқлаш” тугмаси босилганидан сўнг, манзил белгиланади ва экран пастки қисмида “кейингиси” тугмаси босилади.



6.7 Шундан сўнг “Тўлов” бўлими очилади. Бу ерда мижоз карта бўйича тўловни амалга ошириш учун карта белгилайди ва “Расмийлаштиришни якунлаш” тугмасини босади. Тўлов амалга оширилганлиги тасдиқланганидан сўнг, ариза якунланади.



7. Кредит карта расмийлаштириш

Асосий экран юқори қисмида кредит карта расмийлаштириш бўлимига кирилади. Бу бўлимда кредит лимити бўйича маълумот, фоиз ставкаси, лимитдан фойдаланиш муддати ва оммавий оферта билан танишиш мумкин.



7.1 Оммавий оферта шартларига розилик билдириш учун ушбу тугма босилганда “Онлайн тартибда кредит бериш тўғрисида оммавий оферта” билан тўлиқ танишиш лозим.

“INFINBANK” МОБИЛ ИЛОВАСИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА

ОНЛАЙН ТАРТИБДА КРЕДИТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ОММАВИЙ ОФЕРТА

Мазкур Оферта бир томондан чет эл капитали иштирокидаги “Invest Finance Bank” акциядорлик-тижорат банки (кейинги ўринларда Банк деб юритилади) ва бошқа томондан Масофавий банк хизмати (МБХ) орқали кредит олувчи жисмоний шахс (кейинги ўринларда Қарз олувчи (Карта эгаси) деб юритилади) ўртасида шартнома тузиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Кредит (кредит лимити) янги чиқарилган кредит картага ёки ушбу Банк маҳсулотидан фойдаланган Банк мижозллари учун илгари чиқарилган амалдаги картага ўтказиш орқали берилади.


Банкнинг кредит картаси Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Кредит бериш шартларига розилик билдириш билан Қарз олувчи (Карта эгаси) Банкнинг жисмоний шахсларга мўлжалланган расмий оммавий офертаси бўлган, “INFINBANK” мобил иловасидан фойдаланган ҳолда кредитни онлайн равишда тақдим этиш ҳақидаги ушбу Офертани қабул қилади. Мазкур розилик Банк учун потенциал Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг кредит аризасини дастлабки кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Агар Банк Қарз олувчи (Карта эгаси)нинг розилигини (аризасини) маъқулласа, Банк Қарз олувчи


РАД ЭТИШ

ТАСДИҚЛАШ

7.2 Оммавий офертани тасдиқлагандан сўнг, мижоз ўзига керакли бўлган кредит лимитини танлаши ва “Ариза расмийлаштириш” тугмасини босади.



7.3 Шундан сўнг, мижоз ФИШ тасдиқлаши зарур




7.4 Тасдиқлаш тугмаси босилганидан сўнг, мижднинг паспорт маълумотлари автоматик равишда намоён бўлади ва маълумотларни текшириб “Тасдиқлаш” тугмаси босилиши лозим.

The screenshot shows the 'Ariza' app interface. At the top, the status bar displays the time 11:57, signal strength, and battery level at 85%. Below the status bar, there is a back arrow and the text 'Ариза № KU1347123'. The main title is 'Паспорт маълумотлари'. Below this, there are several input fields: 'Фамилия', 'Исми', 'Шарифи', 'Шахсни тасдиқловчи ҳужжат тури', 'Сериал рақами', 'Тутилган санаси', and 'Фуқаролик'. At the bottom, there is a large blue button labeled 'Тасдиқлаш'.


7.5 “Тасдиқлаш” тугмаси босилгандан сўнг, паспорт маълумотлари экрани очилади. Мижд паспорт фотосуратини жойлаши зарур.

The screenshot shows the 'Ariza' app interface. At the top, the status bar displays the time 11:58, signal strength, and battery level at 85%. Below the status bar, there is a back arrow and the text 'Ариза № KU1347123'. The main title is 'Паспорт ва рўйхатдан ўтиш фотосурати'. Below this, there is a subtitle: 'Давлат Паспорт фотосурати тиниқ, ўқилгани аниқ, ва ерулик нурлари остида бўлмаслиги керак'. Below the subtitle, there are two placeholder images for passport photos. At the bottom, there is a large blue button labeled 'Тасдиқлаш'.


7.6 Фотосуратлар жойлангандан сўнг, “Кейингиси” тугмаси босилади ва паспорт маълумотлари экрани намоён бўлади.




7.7 Рўйхатдан ўтган манзил маълумотлари тўғри бўлса “Кейингиси” тугмаси босилади. Бу экранда мижоз кредит карта олиш учун буюртма бериши лозим. Агар мижозда Инфинбанк кредит карта бўлса, шу картани белгилаб қўяди.



7.8 Карта бириктирилгандан сўнг, “Кейингиси” тугмаси босилади. Кейинги босқичда автотўлов учун карта бириктирилиши лозим.



7.9 Карта бириктирилгандан сўнг, мижоз қуйидаги анкета маълумотларни тўлдирishi сўралади



7.10 Мижоз ўзининг маълумот даражасини белгилагандан сўнг, оилавий шароити бўйича саволларга жавобни белгилайди ва кейинги босқичга ўтади.

11:59

< Ариза № KU1347123

Оилавий ҳолатингиз қандай?

Уйланган / Турмушга чиққан ☐

Уйланмаган/ Турмушга чиқмаган ☒

Бева ☐

Фуқаролик никоҳи ☐

Ажрашган ☐

Фарзандларингиз борми?

Ҳа ☐

Йўқ ☒

Кейингиси

7.11 Кейинги босқичда “Бандлик тури” белгиланади ва “Кейингиси” тугмаси босилади.

11:59

< Ариза № KU1347123

Бандлик тури

Доимий ☒

Муддатли меҳнат шартномаси ☐

Якка тартибдаги тадбиркор ☐

Нафақахўр ☐

Кейингиси

7.12 Кейинги босқичда мижознинг ишхонаси тўғрисида маълумотлар тўлдирилади ва кейингиси тугмаси босилади

11:59

< Ари.га № KU1347123

Иш ҳақида маълумот

Хозирги лавозим

главный специалист

Ташкилотнинг тўлиқ номи
(иш берувчи)

01041 Операционное управление

Ташкилот ИИИ рақами (иш берувчи)

206942764

Хозирги жўлда доимий иш олдиси (инилар)

5

Умумий иш олдиси (инилар)

10

Кейингиси

7.13 Кейинги босқичда мижоз ойлик даромадлари бўйича маълумотни тўлдириши лозим

12:00

< Ари.га № KU1347123

Сизнинг ойлик даромадингиз

Сизнинг ойлик даромадингиз (ойлик соф даромад)

0 сум

Улардан пластик картага

0 сум

Кейингиси

7.14 Ундан сўнг мижоз билан боғланиш учун маълумотлар киритилади

12:00   84

< Ариза № KU1347123

Боғланиш учун маълумот

Телефон маълумоти

Телефон рақами

Телефон тури

Ҳа Маъин Ишхона

Телефон рақами

+998 99 999 99 99

Боғланиш учун маълумот қўшиш

Расмийлаштиришни якунлаш



7.15 “Расмийлаштиришни якунлаш” тугмаси босилганда Ариза якунланади.

12:00   84



Сизнинг №KU1347123-сонли аризангиз қабул қилинди.

Сизнинг аризангиз куриб чиқишга юборилди. Натижасини биз иловага хабарнома юбориш орқали хабар берамиз.

Асосий саҳифага





8. Ўтказмалар

Асосий бўлим пастки қисмида “Ўтказмалар” бўлимига кирилади.




8.1 Ўтказмалар бўлими орқали карталарга, ўамёнларга, ўисобрақамларга, Visa Direct бўйича пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари реквизитлар бўйича тўлов, QR-код бўйича тўлов, кредитлар бўйича тўловларни амалга ошириш мумкин.



8.2 Ҳамёнлар

Ҳамёнга тўлов амалга ошириш учун ҳамён рақами киритилади ёки сақлаб қўйилган қабул қилувчилар рўйхатидан танлаш имконияти мавжуд.



Барча қабул қилувчилар
Ҳамёнлар

Сум ҳамён
398.20 UZS

Сақлаб қўйилган қабул қилувчилар


OTABEKOVA NII DOKA JABHURATON QIZ X

Қабул қилувчини танланг



8.3 Ҳисобрақам

Ҳисобрақамга пул ўтказиш учун МФО танланади ва ҳисобрақам рақами кўрсатилади ёки сақлаб қўйилган қабул қилувчилар рўйхатидан танлаш имконияти мавжуд.



Қабул қилувчи

МФО танланг

OTABEKOVA NII DOKA JABHURATON QIZ X

Қабул қилувчини танланг




8.4 Реквизитлар

Реквизитлар бўйича тўловни амалга ошириш учун олувчининг ҳисобварағи рақами киритилади




8.5 VISA Direct

VISA Direct бўйича ўтказмаларни амалга ошириш учун қабул қилувчининг карта рақами киритилади ёки сақлаб қўйилган қабул қилувчилар рўйхатидан танлаш имконияти мавжуд.




8.6 QR код

QR код бўйича тўловни амалга ошириш учун ушбу бўлимга кирилади ва тўлов қилинаётган корхонанинг QR коди сканерланади. Корхона маълумотлари автоматик кўрингандан сўнг пул миқдори киритилади ва “ўтказиш” тугмаси босилади.




8.7 Кредит

Кредит учун тўловларни амалга ошириш учун ушбу бўлимга ўтилади ва кредит ID рақами киритилади. Тафсилотларни кўриш тугмасини босиш орқали мижоз кредит бўйича маълумотларни кўриши мумкин. Шундан сўнг тўловни амалга ошириши лозим.




9. Тўловлар


Ушбу бўлимда Хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мумкин (алоқа, интернет, тв, коммунал, давлат хизматлари ва ҳоказо)



9.1 Тўловлар бўлимида мижоз қўшимча хизматлардан бири “Менинг уйим” хизматидан фойдаланиши мумкин. Бу ерда мижоз асосий тўловларни бир ерга жамлаб тўлов қилиши ва коммунал хизматлар бўйича қолдиқ суммасини назорат қилиб бориши мумкин.



9.2 Бундан ташқари ушбу бўлимда қўшимча хизматлардан яна бири “ЙХХБ жарималари” хизматидан фойдаланиш мумкин. Бу хизмат мижозга ЙХХБ жарималари тўғрисида маълумот олиш имконини ва тўловни амалга оширишда енгиллик беради. Бунинг учун “Автомобилни қўшиш” бўлимига кирилади.



9.3 Ушбу бўлимга киргандан сўнг, Автомобил номини, техпаспорт серияси ва рақамини, автомобильнинг давлат рақамини киритиш лозим. Шундан сўнг обуна пули тўланади ва хизмат фаоллашади. Мижоз обунани исталган вақтда тўхтатиши мумкин.



10. Тарих

Ушбу бўлимда мижоз барча амалга оширилган амалиётлар бўйича умумий маълумотни яъни тўловлар тарихини олиши мумкин.

10:59

80

Тўловлар тарихи

Давр ▾

13 ДЕКАБРЬ, СЕШ

0 UZS



Infin Nastarin

200 000 100%

Депозитни қисман ечиб олиш

100%

12 ДЕКАБРЬ, ДУШ

100 000 UZS



Infin Nastarin

200 000 100%

Депозитни қисман ечиб олиш

100%



9860 35** **** 2778

100 000 100%

НУМО картага ўтказма

100%



Infin Nastarin

500 000 100%

Депозитни қисман ечиб олиш

100%

11 ДЕКАБРЬ, ЯК

1 169 000 UZS



Infin Nastarin

100 000 100%

Депозитни қисман ечиб олиш

100%



9860 26** **** 7855

50 000 100%

НУМО картага ўтказма

100%



Ўзгариш



Ўтказма




Депозит




Тарихи

11. Квитанция

Мижоз “Тарих” саҳифаси орқали ёки тўлов амалга оширилиши биланоқ барча амалга оширилган тўловлар ва ўтказмалар бўйича квитанцияни кўриши мумин. Бу квитанцияларни чоп этиш, тўғридан-тўғри почта ёки ижтимоий тармоқлар орқали юбориш мумкин.




11.1 Бу квитанцияларни PDF форматда юклаб олиш, чоп этиш, тўғридан-тўғри почта ёки ижтимоий тармоқлар орқали юбориш мумкин.




12. Профиль


Мижоз Асосий бўлим орқали ўз профилига ўтиши ва у ерда ўзи томонидан расмийлаштирган аризалар ҳолати билан танишиши мумкин



12.1 Ушбу бўлимнинг “Созламалар” қисмида мижоз Пин кодни ўзгартириши, илова тилини ўзгартириши, оферта билан танишиши, банк билан боғланиш учун техник ёрдам бўлими ва Алоқа маркази телефон рақамларидан фойдаланиши мумкин.



12.2 Хавфсизлик созуламалари “Қурилмалар” бўлимида мижоз Ишончли қурилмалар сессияларини кўриши мумкин. Бундан ташқари сессияларни ўчириш имкониятига эга. Бунинг учун ўчирмохчи бўлган сессия танланади ва “ўчириш” тугмаси ифодаланган қутини танлайди.



12.3 Мобил илованинг Веб версиясидан фойдаланиш учун Хавфсизлик созуламалари “Қурилмалар” бўлимига кирилади. “Қурилмани улаш” тугмаси босилади. Сканерлаш орқали QR код сканерланади ва мобил илованинг Веб версиясига ўтилади.

